

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

“ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ” КАФЕДРАСИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**“ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ”**

Бажарди: “Давлат-ҳуқуқий фаолияти”
соҳа мутахассислигининг 4-курс 2-гуруҳ
талабаси **Жалилов Нодирбек.**

Илмий раҳбар: Давлат ҳуқуқи ва
бошқаруви кафедраси ўқитувчиси
Ражабов Дилшод.

ТОШКЕНТ – 2016

Мундарижа

КИРИШ	3
I БОБ. ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	10
1.1. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти.....	10
1.2. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳуқуқий асослари.....	18
1.3. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг турлари (шакллари).....	27
II БОБ. ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТЛАРИ	32
2.1. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари.....	32
2.2. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига қўйилган талаблар ва уларни кўриб чиқувчи бошқа ташкилотларнинг иштироки.....	40
2.3. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари ҳамда хорижий тажриба.....	45
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	56
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	61

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада самарали ҳуқуқий база яратилди. Аввало, Конституциямиз нормалари мамлакатимиз тарихида илк бор инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ҳамда кадр-қиммати энг олий қадрият эканлигини белгилаб берди.

Конституциямизга асосан ҳар бир шахс ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши махсус қонунда ва бошқа кўп ҳуқуқий меъёрларда ўз ифодасини топган.

Жумладан, Бош Қомусимизнинг 2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, деб белгиланган. Яратилган ушбу ҳуқуқий асослар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Содда қилиб айтганда, бугун қайси соҳани олмайлик бу пахта ёки ғалла етиштириш бўладими, ижтимоий ҳаётимиз ёки янги-янги қурилишлар, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш бўладими – нимаики иш қилмасак, уларнинг ҳаммаси охир-оқибатда инсон учун, шу юртда яшаётган одамлар учун қилинаётганини кўриш қийин эмас.

Барчамиз холисона тан олишимиз керак – кўпинча кундалик ҳаёт ташвишлари билан банд бўлиб, мана шу оддий ҳақиқатни, афсуски, эсимиздан чиқариб қўямиз. Чунки ҳаётнинг ўзи бунга мажбур қилади. Аммо биз ўзимизнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни унутмаслигимиз лозим. Чунки бизнинг ҳуқуқимизнинг ортида мажбуриятимиз ётган бўлади. Биз ўз

ҳуқуқимизни амалга ошириш жараёнида бошқа бир кишининг ҳуқуқига дахл қилмаслигимиз лозим.

Шу борада яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Бугун юртимизда демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт куриш йўлида амалга оширилаётган катта-катта ўзгаришларни нафақат ҳаётимизни четдан кузатадиган одамлар, хатто ғанимларимиз ҳам инкор этолмайди”.¹

Демак, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб замирида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатлари ётади. Шундай экан бу борада мамлакатимизда кўплаб самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари — мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг жойларда қандай амалга оширилаётганлигини баҳоловчи мезонлардан биридир. Шу нуқтаи назардан Президентимиз фуқароларнинг мурожаатлари, уларни кўриб чиқиш, ҳал этиш масалаларига доимо эътибор қаратиб келганлар ва ўз муносабатларини билдирганлар. Хусусан, давлатимиз раҳбари 2012 йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида “Ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арз-доди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим”, деб алоҳида таъкидладилар. Бу борада Президентимиз томонидан жуда кўплаб фикрлар мулоҳазалар илгари сурилган. Биз кейинги ўринларда ҳам бу ҳолатларга тўхталиб ўтамыз. Мазкур фикрлар давлат ҳаётида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тўлалигича қамраб олади.

“Фуқароларнинг ижроия органларига мурожаатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва одилона кўриб чиқиш учун, давлат органлари масъулиятини ошириш

¹ “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият”. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

мақсадида «Давлат органлари томонидан фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида» қонун қабул қилиш зарур».¹

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугунги шиддат билан ўзгараётган замонда, энг муҳими халқимизнинг кундан-кунга ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва шу билан бирга уларнинг талаб-эҳтиёжлари ортиб бораётган ҳозирги пайтда раҳбар кадрларнинг масъулияти юқори баҳоланиши лозим. Яъни фуқароларнинг мурожаатларига раҳбарларнинг эътибор билан ёндашиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси алоҳида ўрин тутди.

Қонун лойиҳаси амалдаги “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги Қонун нормалари ва қоидалари негизиди ишлаб чиқилган. Айтиш жоизки, конституциявий нормалар ва ундаги кафолатлар асосида бу борадаги махсус қонунчилик ривожлантирилди. Яъни ҳозирги вақтда фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаатлари ва уни кўриб чиқиш соҳасидаги муносабатлар “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормалари билан тартибга солинади. Мазкур соҳада доирасида жуда кўплаб ислохотлар қилинмоқда. Бу борада айниқса давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари муҳим дастуриламал бўлаётир. Жумладан, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг “...барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглиги ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор

¹ “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият”. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди”.¹

Бироқ ижтимоий муносабатлар қанчалик ривожланмасин қонун ҳужжатларини талаби ҳам шунчалик ошиб боради. Кўплаб қонун ҳужжатларини такомиллаштириш давр талаби бўлиб қолади, шунингдек қонунчиликдаги бўшлиқлар ҳам кўриниб қолади. Хусусан, “Лекин ижтимоий муносабатлар ривожланар экан қонунчиликда камчиликлар пайдо бўлаверади. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда: “ҳолисона таҳлил, ислоҳотларимизнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлиги кўрсатмоқда”.²

Битирув малакавий ишининг объекти. Ўзбекистонда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳуқуқий асосларини вужудга келиши, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишда давлат органларининг ҳамда муассасаларининг вужудга келиши, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини самарали ташкил этиш билан боғлиқ мавжуд ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими битирув малакавий ишининг объекти саналади.

Битирув малакавий ишнинг предмети. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларнинг шакллари ва турлари, уларнинг берилиш ва кўриб чиқиш муддатлари, уларга қўйилган талаблар ҳамда уларнинг конституциявий-ҳуқуқий хусусиятларини тавсифловчи назарий ва ҳуқуқий асослар ушбу мавзунин предмети ташкил этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзу юзасидан бугунги кунга келиб атрофлича илмий-амалий изланишлар олиб борилган. Бу

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – буюк келажак сари. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1998, 168-бет.

² Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси”. Олий мажлис палаталари қўшма йиғилишида сўзлаган маъруза. Тош. Ўзбекистон. 2010. 48-бет.

борада олимлардан Исмоилов Н.Т¹, Икромов Ш. Т², М.З.Зиёдуллаев, И.А.Соттиев³, Ғ.С.Қаршиев, Қ.С.Қамбаров⁴, А.Т. Имомназаров⁵, М.И.Мақсадов⁶, А.Х. Саидов⁷, О.Т. Хусанов⁸, А.А. Азизхўжаев, Д.Қ. Аҳмедов, М.Ҳ. Рустамбаев⁹, Х.К.Бексариёв, М.М.Марғубов¹⁰ ва бошқа бир катор олимлар мазкур мавзу юзасидан изланишлар олиб боришганлар.

Бошқа бир қанча хорижий мамлакатлар олимари томонидан ҳам бу мазкур соҳа юзасидан изланишлар олиб борилган.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг **мақсади** жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўрганиш, мазкур мурожаатларнинг ҳуқуқий асослари, уларнинг турлари, шакллари, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар мурожаатининг конституциявий-ҳуқуқий асосини ўрганишдан иборатдир. Шу билан бирга, битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари мазкур мазвуга оид қонун ҳужжатларининг мақсад ва вазифаси билан бир хил деб ҳисобласак бўлади.

Чунки мазкур соҳага оид қонун ҳужжатлари ушбу соҳанинг асл мақсадини, тартиб-таомилини очиқ беради.

¹ Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари Postda.-2015 . 24-январ. №4.

² "Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг ички ишлар органлари томонидан ижро этилиши: Ўқув қўлланма Тошкент-2015.

³ Ички ишлар органларида хабарларни қабул қилиш, қайд этиш ва ҳал этиш: Ўқув-амалий қўлланма. Т-2015,185 б.

⁴ Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик. Ўқув қўлланма, ИИБ Академияси наширёти, Т-2015.

⁵ Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш - давр талаби. Ўқув қўлланма, ИИБ Академияси наширёти, Т-2015.

⁶ Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳуқуқий кафолатлари. Ўқув қўлланма, ИИБ Академияси наширёти, Т-2016.

⁷ Ўзбекистон Республикаси "Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида"ги қонунга Шарҳ. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази Ҳуқуқ муаммоларини ўрганиш маркази. Тошкент-2015.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. // юридик фанлари доктори, профессор М.Х.Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. Дарслик. –Тошкент: ТДЮИ, 2007.

⁹ Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарҳлар, –Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2012. -788 бет. Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

¹⁰ Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш-инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолатлари. Ўқув қўлланма, ИИБ Академияси наширёти, Т-2014.

Жумладан, “Ушбу Қонуннинг мақсади давлат органлари ва давлат муассасаларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат”.¹

Битирув малакавий ишининг **вазифаси** қуйидагилар:

1. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг моҳиятини ўрганиш.

2. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш.

3. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг шакллари, турлари, уларнинг моҳияти, талабларини изчил ўрганиш.

4. Халқаро тажрибани ўрганиш, мазкур ўрганиш жараёнида миллий қонунчилик билан қиёсий-таҳлил қилиш.

5. Барча қонун ҳужжатларни, илмий адабиётлар, мақоллар, жумлаларни ўрганган ҳолда битирув малакавий ишга оид тавсиялар ва ҳулоса бериш, шунингдек бошқа ҳолатларни ҳам ўрганиб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг тадқиқот усуллари. Битирув малакавий ишнинг тадқиқот усуллари, биламизки, илмий тадқиқотларда қўлланиладиган методлар бир-биридан қўлланиш даражалари бўйича фарқ қилади. Улардан биринчиси методология бўлиб, у воқеликни илмий билиш ва ўзгартиришнинг методлари ҳақидаги назарияни ўз ичига олади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ёки фалсафа худди шу биринчи туркумга мансубдир. Шу сабабли фалсафа, ижтимоий фалсафа илмий билишнинг энг умумий методларидир. Уларнинг иккинчиси барча фанларда қўлланиладиган умумий илмий билиш методлари ҳисобланади. Анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тарихийлик ва мантикийлик, тизимли ёндашиш, қиёслаш, кузатиш кабилар ҳар бир илмий ишда ўзига хос ҳолда қўлланилсада, илмий

¹Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда.//“Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // 2014 йил 3 декабрь,ЎРҚ-378-сон. 1-модда.

билишнинг умумий методлари ҳисобланади. Яна махсус методлар ҳам бўлиб, улар ҳар бир илмий иш ўзида ишлатиладиган методлардир. Аммо бу уч туркумдаги методларнинг ўқ илдизини муайян тушуниш ташкил этади. У ё диний-идеалистик, ёки материалистик, ёхуд яна бошқача даражада бўлиши мумкин. Ушбу илмий ишнинг методологик илмий аҳамияти ва методларнинг қимматлилик даражалари худди шу жиҳатларга боғлиқ ҳолда баён этилган.

Битирув малакавий ишнинг илмий амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишнинг илмий амалий аҳамияти шундаки, ривожланиб бораётган замонда қонун ҳужжатларини ҳам такомллиштириш натижасида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг кафолатларини, ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда янада ривожлантириш қонунчилик жараёнининг бош мақсадларидан биридир.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги. Мазкур битирув малакавий ишнинг янгилиги сифатида биз янги қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги қонун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги 73-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида»ги намунавий низом, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” ги ва “Электрон рақамли имзо тўғрисида” ги қонунлари ва шу каби бошқа бир қанча қонун ҳужжатлари ва бошқа илмий адабиётлар ҳамда шу каби бошқа қўлланмаларни келтиришимиз мумкин.

Битирув малакавий ишнинг қисқача тавсифи. Мазкур битирув малакавий ишнинг таркиби битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқдир. Битирув малакавий иш кириш, параграфларни ўз ичига олган икки боб, тавсиялар ва хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

1.1 Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти.

Бизга маълумки, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига бир канча таърифлар ва тушунчалар мавжуд. Қонун ҳужжатларида ҳам, назарий юридик ёки бошқа адабиётларда мурожаатларга таъриф берилган. Жумладан, мурожаат – бу жисмоний ва юридик шахслар томонидан бериладиган ариза, шикоят, таклиф кўринишидаги баёнидир. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Хусусан, “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт”.¹

Демак, юқоридаги нормадан шундай хулоса чиқарсак бўладики, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Биз бу нормани шундай шарҳлашимиз мумкинки, мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳар бир шахсга берилади. Шахснинг ижтимоий келиб чиқиши, ирқи миллати, тили, дини, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, мазкур ҳуқуқ ҳар шахснинг узвий ҳуқуқи ҳисобланиди. Бош Қомусимиз бўлмиш Конституциямизнинг VII боби сиёсий ҳуқуқларга аталган бўлиб, ҳар бир шахснинг мурожаат этиш ҳуқуқи мазкур бобда мужассамланган. Мазкур ҳуқуқ сиёсий ҳуқуқлар тизимига киритилган. Мазкур норманинг Конституциямизга кирилитиши мурожаат этиш ҳуқуқи қанчалик аҳамиятли эканлигинидан далолат беради.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси («Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон). Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси.35-модда.

Шунингдек, юридик адабиётларда ҳам мазкур ҳуқуқга оид бир қанча жумлалар, қарашлар мавжуд. Чунончи, “Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида иштирок этиш шаклларида бири давлат органларига, муассасаларига, мансабдор шахсларга, халқ вакилларига мурожаат этиш ҳуқуқидир.

Мурожаат орқали фуқаролар давлат ва жамият ишларида бевосита иштирок этади.

Ваколатли давлат органларига фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи, Ўзбекистон мустақиллиги натижасида Конституциявий ҳуқуқ мақомида мустаҳкамланди. Совет давридаги Конституцияларда бундай ҳуқуқ кўзда тутилмаган эди. Ҳатто бу масала қонунлар асосида ҳал қилинмай, фармонлар билан ҳал қилинган эди.

Фуқаролар мурожаати орқали давлат ва жамият ҳаётига таъсир этишини муҳимлиги ҳисобга олиниб, шу ҳуқуқ Конституциявий даражада мустаҳкамланди.

Мурожаатлар турлича бўлиб (мурожаат турлари) улар ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин.

Аризалар орқали фуқаролар ўзларининг турли ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни сўрайди. Масалан: ишга кириш, ишдан бўшаш, ўқишга кириш, таътил олиш, таъминот олиш ва ҳоказолар.

Таклифлар орқали фуқаролар кўпроқ ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўллари, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ўқув жараёнини такомиллаштириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, қоидаларни такомиллаштириш, атроф-муҳитни соғломлаштириш, моддий ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ўз фикр мулоҳазаларини билдиради.

Шикоятлар орқали бузилган ҳуқуқларини тиклаш, айбдорларга чора кўриш, зарарни қоплаш талаб этилади. Аризани асосини илтимос ташкил этса, шикоятнинг асосини талаб ташкил этади. Шикоятлар орқали содир

этилган ёки содир этилаётган, этилиши мумкин бўлгани қонунсиз ҳаракатлар тўғрисида хабарлар берилиши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатлари ёзма ёки оғзаки бўлиши, улар алоқа воситалари орқали, оммавий ахборот воситалари орқали тақдим қилиниши ёки шахсан топширилиши мумкин. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда энг муҳим масала мурожаат қандай ҳал қилинишидан қатъий назар, вақтида асосли, ишончли жавоб олиш ҳисобланади. Вақтида ва ишончли жавоб олинмаса такрор мурожаатлар, юқори органларга мурожаатлар сони ошиб боради.

Фуқаролар мурожаат қилиш ҳуқуқидан бошқаларга тухмат қилиш, бошқарув тартибларини издан чиқаришда фойдаланмаслиги, ғаразли ниятларни амалга оширишга уринмаслиги керак. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи Конституцияда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари бобида шу турдаги ҳуқуқлар тизимида берилган.

Умумий қоидаларга асосан сиёсий ҳуқуқлардан фақат фуқаролар фойдаланиши керак. Лекин бу ерда шу қоида истесно тариқасида амал қилмайди. Сабаби мурожаат қилиш ҳуқуқи, давлат ишида иштирокни таъминлашдан анча кенгроқ вазифаларни, яъни иқтисодий турмуш, ўзини кадр-қиммати, шаънини ҳимоя қилиш ҳам кўзлайди.

Аввалги бобларда Омбудсман тўғрисидаги қонунда Омбудсман чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни мурожаатларини кўриши мумкинлиги белгиланганлигини кўрдик. Чет эл фуқаролари фақат ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиши мумкин. Таклиф билан мурожаат қила олмайди. Таклиф давлат ҳаётига тегишли масалалар бўйича берилади”¹.

Давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқининг мохияти комплекс хусусиятга эгадир. Фуқаролар мазкур ҳуқуққа эга бўлишлари туфайли

¹ Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. // юридик фанлари доктори, профессор М.Х.Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. Дарслик. –Тошкент: ТДЮИ, 2012. – б.

давлатни бошқарниш ишларида иштирок этишлари, ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишлари, ўз фикрларини ифода этишлари мумкин. Бундан ташқари, ушбу ҳуқуқ давлат билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқа воситасидир.

Давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи – бу инсон ва фуқаронинг, шунингдек ташкилотларнинг бевосита ёки ўз вакили орқали давлат органларига ўзларининг, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш ва руёбга чиқариш учун давлат органларига шахсан ёки жамоа билан ёзма ёки оғзаки мурожаат қилиш имкониятидир.

Ўзбекистон Республикасининг, чет эл давлатларининг жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқароликка эга бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига мурожаат қилиш субъектлари бўла олади.

Биз юқорида таъкидлаган назарий ҳамда қонун ҳужжатларда белгиланган жисмоний ва юридик шахслар мурожаат этиш ҳуқуқлари яна бошқа бирга қонун ҳужжатларида ҳам келтирилган. Жумладан, “Ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, чет эллик фуқаролар ушбу Қонунда белгиланган тартибда судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонунга мувофиқ судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар”.¹

Юқоридаги нормадан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, ҳар бир шахс ўзининг бузилган ҳуқуқи юзасидан судга мурожаат этиш ҳуқуқи мавжуддир. Суд эса тегишли тартибда мазкур берилган шикоятни кўриб чиқиб, ўрганиб чиқиши лозим ҳисобланди. Нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳам таъкидланган.

Суда мурожаат этишдан ташқари фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари юзасидан юқори турувчи бошқа органларга, шунингдек адлия органларига, прокуратура органларига ёки Омбудсманга мурожаат этиш ҳуқуқлари ҳам мавжуд. Мазкур органлар, ташкилотлар фуқароларнинг мурожаатларини тегишли тартибда кўриб чиқиши ва ҳал этиши лозим. Мазкур тушунчалар қонун ҳужжатларида алоҳида таъкидланиб ўтилган. Чунчи, “Прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадилар, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чоратадбирларини кўрадилар.

Прокурор фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади.

Прокурор ўзига тушган таклиф, ариза ва шикоятларни текшириш вазифасини зарур ҳолларда тегишли давлат бошқаруви, назорат ва текшириш органларига, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига топшириш ҳамда улардан текширишга тааллуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижаларига доир ёзма ахборот беришларини талаб этиш ҳуқуқига эга.

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 183-модда. //Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида.// 1995 йил 30 август, 108-1-сон.1-модда.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича прокурор қарор қабул қилади, бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фуқаронинг ариза ва шикояти ёки юридик шахснинг мурожаати юзасидан қарор қабул қилинганидан кейин прокуратура органларида улар бўйича иш юритиш тугатилади, янги очилган ҳолатлар бундан мустаснодир”.¹

Бизга маълумки, ҳар бир ташкилотда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқувчи тузилмалар мавжуд.

Аксарият жисмоний ҳамда юридик шахслар ўзларининг шикоятларини кўпинча прокуратура органларига беришади. Бироқ бошқа ҳар бир тузилма ҳамда давлат органларида фуқароларни мурожаатларини кўриб чиқувчи ташкилий бирлик мавжуд, шунингдек низоларни ҳал этувчи бошқа органлар ҳам мавжуд. Лекин халқмизнинг аксарият қисми шикоятлари билан прокуратура органларига мурожаат этишни афзал кўришади. Бизнингча бу ҳолатда сабаб баъзи ташкилот ёки давлат органлари томонидан жисмоний ҳамда юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишда сусткашликларга йўл қўйилаётганлигидир. Хусусан, “Вилоятда ислохотларнинг сушт кетишига ижро интизомининг бўшашиб кетганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Кўп ҳужжатлар жойларга кеч етказилади, уларга эътибор ҳам талаб даражасида эмас. Фармон ва қарорлар асосида вилоят ҳокимлигида қабул қилинаётган ҳужжат асоссиз равишда доимо кечиктирилиб қабул қилинган.

Аҳоли талаб ва эҳтиёжларига етарли аҳамият берилмаётгани, баъзи раҳбарларнинг ношудлиги, айниқса, фуқароларга нисбатан адолатсизликка

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда.//Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Прокуратура тўғрисида (янги таҳрири)// 2001 йил 29 август, 257-II-сон, 7-модда.

йўл қўйиш ҳоллари республика ташкилотларига ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда”.¹

Мустақилликка эришганимиздан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби мазкур соҳа ҳам жуда жадаллик билан ривожланмоқда. Чунки давлатнинг асл моҳиятини унинг халқи белгилан беради. Бизга маълумки, барча ислохотлар ислохот учун эмас, халқнинг манфаати учун бўлмоғи лозимдир. Чунки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ўлчами уларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги таъминланиши ҳамда жамиятдаги ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятга боғлиқ бўлади.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг асл моҳияти ҳам шундан иборатки, уларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашдир. Инсон ҳуқуқлари муҳим конституциявий институт бўлиб у бутун инсониятни интилишларини, орзу умидларини ўзида жамлаган кенг қамровли тушунчадир. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланганлик даражаси ҳар бир мамлакатдаги сиёсий тузумнинг характерини, давлатнинг қанчалик демократлигини кўрсатади. Инсон жамиятнинг фаол бўлагидир ва у иқтисодий муносабатларнинг, сиёсий ҳамда маънавий ҳаётнинг бевосита иштирокчисига айлантирилмас экан, ижтимоий жараёнларга узвий жалб этилмас экан давлатнинг равнақи, жамиятнинг маънавий тараққиёти ва келажаги ҳақида гапириш мумкин эмас.

Инсон ҳуқуқларининг кафолатлари икки асосий жиҳат билан таърифланади. Биринчиси, шахс эркинлиги, ва унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини эркинлаштириш (либераллаш-тириш) бўлса, иккинчиси – адолат тамойилининг устуворлигини таъминлаш, уни жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларига сингдиришдан иборат. Президент И.А.Каримов томонидан сўзланган нутқда илгари сурилган “Аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва кўникмаларни

¹ Каримов И.А. “Халқ биздан амалий ишларни кутмоқда”.1998 йил 10 май. Том 7. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 56-бет.

шакллантириш, пировард-натижада эса инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш ғоят муҳимдир. Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий қафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шарти бўлиб қолиши керак” фикр инсон ҳуқуқларини конституциявий қафолатланиши республикамизда ҳалқаро ҳуқуқ нормалари талабларига мос равишда амалга оширилаётганидан далолатдир.

Бутун ҳуқуқий тизимимизда рўй бераётган либераллаштиришнинг асосий мазмуни барча ҳуқуқий таъқиқ ва чекловларни адолат кўзи нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, уларни оқилона мўътадиллаштириш, инсон шахсини таҳқирламайдиган мезонларни жорий этишдан иборат.

Давлат органларига мурожаат қилиш конституциявий ҳуқуқини ҳуқуқий тартибга солиш механизми норматив-ҳуқуқий тартибга солиш, мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишни тартибга солиш, шунингдек амалга ошириш қафолатларини қамраб олади.

“Биз эндиликда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг статистикасига тўхталиб ўтсак. Жумладан, ўтган 2015 йил давомида ягона давлат порталига 596 633 та мурожаат келиб тушган. Қайта ишлаш жараёнида 595 920 та, яъни 100% мурожаат кўриб чиқилган. 570 472 та, яъни 96% мурожаатлар яқунланган. Булардан 339 072 та, яъни 57% юридик шахс номидан, Жисмоний шахс номидан эса 257 560 та яъни 43% мурожаат ташкил этади”.¹

¹ <http://www.stat.uz>

1.2 Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳуқуқий асослари

Бизга маълумки, ҳуқуқий асослар деганда, биз, қайси соҳа бўлмасин, ўша соҳага оид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни тушунишимиз лозим. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳуқуқий асослари эса ўз доирасида жуда кўплаб қонун ҳужжатларини қамраб олади. Чунки, “Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаатлар соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонунда белгиланган тарзда тартибга солинади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга;

давлат органларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди”.¹

Биринчи навбатда Конституциямизни асосий ҳужжат сифатида кўрсатишимиз мумкин. Конституциямизга тўхталадиган бўлсак, Конституциямизнинг VII боби сиёсий ҳуқуқларга бағишланган бўлиб, бевосита 35-модда мазкур муносабатни тартибга солади. Чунончи, мазкур моддани шарҳлайдиган бўлсак, “Ушбу моддада белгиланган норма фуқаролар сиёсий ҳуқуқларининг таркибий қисми бўлмиш шахсларнинг давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига мурожаат қилиш қоидаларини белгилайди. Унга кўра, ҳар бир шахс ўзини қизиқтирган ёки манфаатдор бўлган масалаларда яқка ўзи ёки кўплашиб ваколатли давлат органларига, муассасаларга ва халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

¹Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда.//“Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // 2014 йил 3 декабрь, ЎРҚ-378-сон. 2-модда.

Конституциянинг ушбу нормасидан Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча фуқаролар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин. Энг муҳими, фуқароларнинг ушбу ҳуқуқларини амалга оширишлари бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмаслиги керак.

Дарҳақиқат, Конституциянинг ўзида тўғридан-тўғри белгиланганидек, фуқароларнинг мурожаатлари ариза, таклиф ва шикоят кўринишида оғзаки ҳам, ёзма шаклда ҳам, шунингдек электрон бўлиши мумкин. Бу уч шакл ҳам бир хил аҳамиятга эга.

Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган, ёзма шаклдаги мурожаатлар мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Борди-ю, ушбу маълумотлар кўрсатилмаса ёки мазкур маълумотлар сохта бўлса, имзоланмаган бўлса, бундай мурожаатлар аноним ҳисобланади ва улар кўриб чиқилмайди. Фуқароларнинг юқоридаги талабларга жавоб берувчи мурожаатлари албатта, қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак. Қонунчиликка кўра, фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади. Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга

узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади”.¹

Кейинги ўринда асосий манбаа сифатида, биз, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунни кўрсатишимиз мумкин. Жумладан, мазкур қонун 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган бўлиб, 31 та моддадан иборат. Мазкур қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги муносабатларни батафсил қамраб олади. Жумладан, мурожаат этиш ҳуқуқи, мурожаатларнинг шакллари, мурожаатларнинг турлари, мурожаатларга қўйиладиган талаблар, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш, мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда камситишга йўл қўйилмаслиги, мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш қафолатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари муносабати билан уларнинг хавфсизлиги қафолатлари, мурожаатларни бериш тартиби, мурожаатларни бериш муддатлари, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари ва шу каби бошқа бир қанча муносабатларни тартибга солади.

Шунингдек, кўриб чиқиладиган соҳадаги муносабатларни тартибга соладиган қонунлар орасида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини кўрсатиш керак. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсман) лавозимга сайлаш, фаолиятининг принциплари ва ваколатларни, шунингдек вазифасидан бўшаш тартибини белгилайди. Ушбу Қонуннинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан

¹Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи бўйича бакалавриятнинг юридик таълим йўналишлари учун Дарслик, ТДЮИ нашриёти Тошкент- 2007.

инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатларига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради.

Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобдордир.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишни таъминлайдиган қонунлар орасида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси, шунингдек Маъмурий жавобгарлик кодекси каби кодификация қилинган норматив ҳужжатлар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мазкур кодекслар жисмоний ва юридик шахсларнинг суд томонидан ҳимоя қилиниш бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқини тартибга солади. Шикоятлар ва аризаларни кўриб чиқиш тартибини мустаҳкамлаб қўяди, мурожаат қилиш ҳуқуқи бўзилиши учун жавобгарликни ўрнатади.

Бошқа қонунчилик ҳужжатлари соҳасида фуқароларга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлара (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатлайдиган “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларина бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги Қонуни¹ катта аҳамиятга эгадир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 1-модда.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси органларига мурожаат қилишларининг тартиби “Прокуратура тўғрисида”ги¹ Қонун билан белгиланади. Ушбу Қонуннинг 7-моддаси 1-бандига мувофиқ, прокуратура органларида уларнинг ваколатларига кўра фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилади, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари кўрилади. Прокурор зарурат бўлганида ўзига тушган таклиф, ариза ва шикоятларни текшириш вазифасини зарур ҳолларда тегишли давлат бошқаруви назорат ва текшириш органларига, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига топишириш ҳамда улардан текширишга таълуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижаларига доир ёзма ахборот беришларини талаб этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича прокурор қарор қабул қилади, бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги 73-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида»ги намунавий низом², “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги³, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”⁴ ги ва “Электрон рақамли имзо тўғрисида” ги⁵ қонунлари ва шу каби бошқа бир қанча қонун ҳужжатлари кўрсатишимиз мумкин. Мазкур қонун ҳужжатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатига оид муносабатларни тартибга солувчи

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 13-сон, 154-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 230-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 12-модда.

қўплаб асосий нормалар, қоидалар мавжуд. Чунончи, “Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза тегишли юқори суднинг раисига ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган прокурорга берилади.

Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза мазмун жиҳатидан ушбу Кодекснинг 323-моддасига мувофиқ бўлиши лозим. Аризага суд чиқарган ҳал қилув қарорининг нусхаси, агар иш апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳам кўриб чиқилган бўлса, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларининг ажримлари (қарорлари) нусхалари ҳам илова қилинади.

Ушбу модданинг иккинчи қисми талабларига риоя қилинмаган ёки давлат божи тўланмаган тақдирда, назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза ҳаракатсиз қолдирилади, аризачига эса, камчиликларни бартапаф этиш тартиби ва муддати тушунтирилади.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил ўтгандан кейин берилган аризалар кўрилмайди.

Протест келтириш тўғрисидаги ариза бир ойлик муддатда, иш талаб қилиб олинадиган ва текшириладиган ҳолларда икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши керак. Протест келтириш учун асос бўлмаса, ариза берган шахсга аризани қаноатлантирмасдан қолдириш сабаблари кўрсатилиб, ёзма жавоб берилиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди раиси, фуқаролик ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси протест келтиришни рад қилганлиги устидан аризачи Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки унинг ўринбосарларига шикоят бериши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори протест келтиришни рад

қилганлиги устидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларига шикоят бериш мумкин”.¹

Жисмоний ва юридик шахслар ўзларининг мурожаатлари орқали давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти юзасидан ахборот олиш ҳуқуқига ҳам эга ҳисобланадилар. Фуқаролар ўзларининг аризалари орқали давлат ҳокимияти органларининг тузилмаси, асосий фаолияти ёки шунга ўхшаш бошқа маълумотларни олиш ҳуқуқига эга ҳисобландилар. Масалан, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига қуйидагилар киради:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳамда бошқа ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, норматив ва бошқа ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, норматив ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.(2015-йил 1-мартгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.: Адолат, 2015, 350-модда.

конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилишида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган тармоқнинг (худуднинг) ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ҳақидаги, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган (ташқил этиладиган) очик танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;

бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тузилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очик ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолияти тўғрисидаги ахборот рўйхатини ушбу модда қоидаларига мувофиқ тасдиқлайди.

Давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг палаталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари), уларнинг қўмиталари (доимий комиссиялари), комиссиялари очиқликни таъминлаш мақсадида ўз фаолияти тўғрисидаги ахборот, шу жумладан режалаштирилаётган мажлислар ва тадбирлар, кўриб чиқиши мўлжалланаётган масалалар, қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ахборот ўз вақтида эълон қилинишини (чоп этилишини) таъминлайди”¹.

Демак, юқоридаги нормалардан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқлари ва мавжуд. Агар мазкур жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига мурожаат этсалар, мазкур давлат органлари ўзларининг тузилмалари ҳақида, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид давлат сири ёки тижорат сири ҳамда бошқа турдаги сирларга таълуқли бўлмаган барча маълумотларни тақдим этиишлари шарт.

¹ //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда//Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида. 2014- йил 5 май. ЎРҚ-365-сон. 5-модда.

1.3 Жисмоний ва юридик шахслар муурожаатларининг турлари (шакллари)

Жисмоний ва юридик шахслар муурожаатларининг бир қанча турлари ва шакллари мавжуд. Жумладан, мазкур муносабат миллий қонунчилигимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек илмий адабиётларда ҳам мустаҳкамланган. Демак, биз дастлаб илмий адабиётларга муурожаат этиб ўз фикрларимизни давом эттирсак. “Муурожаатлар турлича бўлиб (муурожаат турлари) улар ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин.

Аризалар орқали фуқаролар ўзларининг турли ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни сўрайди. Масалан: ишга кириш, ишдан бўшаш, ўқишга кириш, таътил олиш, таъминот олиш ва ҳоказолар.

Таклифлар орқали фуқаролар кўпроқ ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўллари, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ўқув жараёнини такомиллаштириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, қоидаларни такомиллаштириш, атроф-муҳитни соғломлаштириш, моддий ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ўз фикр мулоҳазаларини билдиради.

Шикоятлар орқали бузилган ҳуқуқларини тиклаш, айбдорларга чора кўриш, зарарни қоплаш талаб этилади. Аризани асосини илтимос ташкил этса, шикоятнинг асосини талаб ташкил этади. Шикоятлар орқали содир этилган ёки содир этилаётган, этилиши мумкин бўлгани қонунсиз ҳаракатлар тўғрисида хабарлар берилиши мумкин.

Фуқароларнинг муурожаатлари ёзма ёки оғзаки бўлиши, улар алоқа воситалари орқали, оммавий ахборот воситалари орқали тақдим қилиниши ёки шахсан топширилиши мумкин”.¹

¹ Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. // юридик фанлари доктори, профессор М.Х.Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. Дарслик. –Тошкент: ТДЮИ, 2007.

Демак, юқоридаги жумлалардан шундай хулоса чиқарсак бўладики, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг 3 хил тури мавжуд. Жумладан, улар ариза, шикоят, таклифлардир. Юқоридаги фикрларда уларга назарий жиҳатдан таъриф берилди. Бошқа илмий адабиётларда эса биз юқорида таърифлаган тушунчаларга таъриф берилган. Хусусан, “Ариза – фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир. Масалан, ишга жойлашиш ҳақидаги, моддий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги, сиёсий партияга аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги, олий ўқув юртига кириш тўғрисидаги, хорижий мамлакатга кириш-чиқиш визаларини очиш ҳақидаги мурожаатлар ариза тарзида бўлади. Таклиф – фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаатидир. Масалан, қонунларни такомиллаштиришга доир, акциядорлик жамияти фаолиятини ривожлантиришга доир акциядорнинг мурожаатлари таклиф кўринишида бўлади. Шикоят – фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир. Масалан, биринчи инстанция жинойт-судлов ёки фуқаролик-судлов ишларининг якуний ҳужжати ҳисобланган – ҳукм ёки ҳал қилув қароридан норози бўлган тараф ёки улар қонуний вакилларининг юқори инстанция судига апелляция ёки кассация тартибида йўллайдиган мурожаатлари шикоят орқали амалга оширилади”.¹

Биз юқорида асосан илмий адабиётларда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг турлари ва шаклларига тўхталиб ўтдик. Эндиликда мазкур тушунчаларни қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда давом эттирсак. Демак, “Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин.

¹Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи бўйича бакалавриятнинг юридик таълим йўналишлари учун Дарслик, ТДЮИ нашриёти Тошкент- 2007

Мурожаатлар аризалар, таклифлар ва шикоятлар тарзида бўлиши мумкин.

Ариза — ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат.

Таклиф — давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат.

Шикоят — бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат.

Мурожаатлар, уларнинг тури ва шаклидан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга”.¹

Демак, юқоридаги нормадан шундай хулоса чиқарсак бўладики, мурожаатларнинг шакллари уч хил, яъни оғзаки, ёзма, электрон. Мазкур уч турдаги мурожаатнинг юридик кучи бир хил ҳисобланди. Жисмоний ёки юридик шахслар хоҳлаган шаклдаги мурожаат билан давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқи эгадирлар. Улар мурожаатни турини танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқаролар мурожаатларининг шаклини рўқач қилиб, мурожаатни қайтариш мумкин эмас. Шундай экан, жисмоний ва юридик шахслар ўзлари учун қулай бўлган услубда ўзларининг мурожаатларини келтиришлари мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг турлари ҳам уҳта яъни, ариза, таклиф, шикоят. Биз юқоридаги нормадан уларга таъриф бериб ўтдик. Биз юқорида келтирган таърифимиздан ҳам бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мазкур мурожаатларнинг турларига таъриф берилган, шунингдек яна қўшимча мурожаатнинг турлари ҳам келтирилган. Хусусан, “Ариза — ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат”;

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда. // “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // 2014 йил 3 декабрь, ЎРҚ-378-сон. 4,5-моддалар.

таклиф — давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

шикоят — бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

аноним мурожаат — жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаат;

муурожаатнинг дубликати — айнан бир жисмоний ёки юридик шахснинг муурожаати нусхаси;

такрорий муурожаат — аввалги муурожаатлар бўйича қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилинган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилган, шунингдек, агар такрорий муурожаат келиб тушган пайтда кўриб чиқишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаган бўлса, аввалги муурожаат ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ҳақида хабар қилинган, айнан бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган муурожаат;

электрон муурожаат — электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклидаги муурожаат. Муурожаатлар оғзаки ёки ёзма ёхуд электрон шаклда берилиши мумкин”.¹

Демак, юқоридаги нормага кўра биз юқорида таъкидлаган учта муурожаатнинг турига қўшимча равишда яна бир қанча муурожаат тури ҳам мавжуд эканлигини биз ҳозирда келтирилган нормамиздан билиб олсак бўлади. Мисол учун, такрорий муурожаат, аноним муурожаат, муурожаатнинг дубликати ва яна шунга ўхшаш бир қанча ҳолатларни кузатишимиз мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 13-сон, 154-модда //Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги 73-сон қарорига ИЛОВА Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида// Намунавий низом.

Мурожаатнинг энг асосий учта тури, яъни ариза, шикоят, таклифдан ташқари, мурожаатни кўриб чиқувчи орган яна бир қанча мурожаат турларини ва шакллари чикариши мумкин. Бу ташкилотнинг амалга оширадиган функциясидан келиб чиқади. Чунончи, “мурожаат – фуқаро, жамоа, мансабдор ва бошқа шахснинг ёзма ёки оғзаки шаклда баён қилинган аризаси, таклиф ёки шикояти;

ариза – фуқаронинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чикаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаат;

таклиф – фуқаронинг прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

шикоят – фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаат;

мурожаатнинг дубликати – бир шахс томонидан айнан бир масала юзасидан берилган мурожаатнинг нусхаси;

такрорий мурожаат – аввалги мурожаат бўйича қабул қилинган қарордан норози бўлиб, бундай қарорни қабул қилиб, жавоб берган прокуратура органига айнан бир шахснинг айнан бир масала юзасидан қайта мурожаати”.¹

Демак юқоридагилардан шундай хулоса чикаришимиз мумкинки, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг биз юқорида таъкидлаган учта туридан ташқари яна бир қанча турлари ҳам мавжуд. Биз булар ҳақида юқорида такидлаб ўтдик.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабрдаги 37-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома.

2.1. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби қонунчиликда аниқ батафсил келтирилган. Хусусан, “Давлат органига келиб тушган мурожаатлар шу орган томонидан ёки унинг мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича мажбуриятлар зиммасига юклатилган мансабдор шахси томонидан кўриб чиқилади.

Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига келиб тушган мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур маълумотлар мавжуд бўлмаса, бу мурожаатлар мурожаат этувчига беш кунлик муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан қайтарилади.

Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси мурожаат этган жисмоний ёки юридик шахсдан, шунингдек ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органларидан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин. Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар

етказмаса, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичида тақдим этиши шарт.

Мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи, зарур ҳолларда, мурожаат жойининг ўзига бориб кўриб чиқилишини таъминлаши мумкин.

Мурожаат этувчи ёки бошқа шахс йўқлигида мурожаатни кўриб чиқиш имкони бўлмаса, улар давлат органининг мансабдор шахси томонидан қақирилиши мумкин. Қақирилган мурожаат этувчи келмаган тақдирда давлат органининг мансабдор шахси мурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш имкони йўқлиги ҳақида жавоб юборади.

Мурожаатга жавобни давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахси имзолайди.

Агар мурожаатда қўйилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатни кўриб чиқишда иштирок этиш учун давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади.

Агар мурожаатни кўриб чиқишда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш, шу жумладан молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) зарурати юзага келса, текшириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини улар кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган вақтда мурожаат юзасидан қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Мурожаатни қайтариб олиш ҳақидаги ариза давлат органлари томонидан қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўрилишини истисно этмайди”.¹

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда. //“Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни//. 2014 йил 3 декабрь, ЎРҚ-378-сон.19-модда.

Юқоридаги ҳуқуқий асосимиз умумий жиҳатдан мурожаатларни кўриб чиқишга бағишланган. Унга кўра, мурожаат давлат органига келиб тушгач, махсус ушбу вазифани бажарувчи шахс ёки бошқа мансабдор шахс келиб тушган мурожаатни кўриб чиқиш учун тайинлади ва мазкур шахс ушбу мурожаатнинг натижасига жавобгар ҳисобланади. Мурожаат келиб тушгач, масъул шахс мурожаатни кўриб чиқиш учун қабул қилиши мумкин, ёки белгиланган талабларга жавоб бермаса, кўриб чиқишни рад этиши мумкин, шунингдек агар мурожаат мазкур органнинг фаолиятига тегишли бўлмаса, беш кунлик муддат ичида тегишлилиги бўйича бошқа органга жўнатилади ёки мурожаат этган шахсга батафсил тушунтирилади. Мурожаатни асоссиз рад этиш қатъиян таъқиқланади. Ҳар бир ташкилотда мазкур вазифани амалга оширувчи ташкилий тузилмаси ва масъул шахслари мавжуд бўлади. “Давлат органида мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш учун юбориш, шунингдек унинг кўриб чиқилишини назорат қилиш давлат органининг мурожаатлар билан ишлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинмаси ёки масъул ходими (кейинги ўринларда мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма деб аталади) томонидан амалга оширилади. Электрон мурожаатлар тушган кунида қоғозга босиб чиқарилиши, иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда эса — навбатдаги иш кунида қоғозга босиб чиқарилиши керак. Ёзма ва электрон (қоғозга босиб чиқарилган) мурожаатлар мурожаатларни рўйхатга олиш журнаliga тегишли ёзувларни киритиш, мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш карточкасини тўлдириш ва мурожаатнинг биринчи саҳифаси қуйи ўнг қисмида рўйхатга олиш штампини қўйиш йўли билан мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинмада рўйхатга олинади.

Мурожаатларни рўйхатга олиш журналида мурожаатнинг тартиб рақами, мурожаат қилган жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг яшаш жойи, юридик шахснинг номи, унинг манзили, мурожаатнинг қисқача мазмуни, мурожаат қабул қилинган сана, дубликат

ёки мурожаатларнинг такрорийлиги, назоратга олинганлиги тўғрисидаги белги, ижрочи этиб белгиланган давлат органи таркибий бўлинмаси номи, сана кўрсатилган ҳолда ижро этиш тўғрисидаги белги кўрсатилади.

Қайд этиш штампда давлат органининг расмий номи (агар давлат органининг расмий номи узун бўлса умумқабул қилинган қисқартирилган ном ёки қисқартма кўрсатилиши мумкин), мурожаатнинг келиб тушган санаси ва қайд рақами кўрсатилади.

Мурожаатларнинг тартиб рақамлари ҳар йил бошидан янгидан ҳисобланади.

Мурожаат почта орқали конвертда келиб тушганда конвертда мурожаат ва унинг иловалари борлиги текширилади.

Конвертда мурожаатнинг мавжуд эмаслиги ёки унинг яроқсизланганлиги, шунингдек мурожаатда кўрсатилган иловаларнинг йўқлиги аниқланганда икки нусхада далолатнома тузилади, улардан бири мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинмада қолади, иккинчиси мурожаат қилувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича жўнатилади.

Келиб тушган мурожаатлар конвертлари мурожаат этувчининг манзилини, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтини аниқлаш учун сақлаб қолиниши мумкин.

Оғзаки мурожаатлар билан келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинманинг раҳбари ёхуд бошқа масъул ходим, шунингдек давлат органи таркибий бўлинмаларининг (кейинги ўринларда таркибий бўлинма деб аталади) раҳбарлари ёхуд бошқа масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

Мурожаат қилувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар текширилгандан кейин, мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш карточкаси тўлдирилади. Ҳисобга олиш карточкаси оғзаки мурожаат сифатида рўйхатга олинади.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари давлат органига оғзаки мурожаат этишганда улар томонидан тақдим қилинган ёзма мурожаатлар ҳамда бошқа материаллар қабул қилиниши ва ушбу Низомнинг 16-бандига мувофиқ тўлдирилган ҳисобга олиш карточкасига илова қилиниши керак.

Рўйхатга олинган мурожаатлар келиб тушган пайтидан бошлаб бир иш кунидан кечикмай давлат органи раҳбарига, унинг ўринбосарига ёки таркибий бўлинма раҳбарига киритилади, у масъул таркибий бўлинмани (ходимни) белгилаган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш бўйича резолюцияни (топшириқномани) қўяди.

Резолюция (топшириқнома) қўйилган пайтдан бошлаб бир иш кунини мобайнида мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинмага (ходимга) имзо қўйдирган ҳолда беради.

Давлат органига келиб тушган мурожаатлар давлат органининг иш юритувига қабул қилиниши, бўйсунуш тартибида давлат органининг қуйи бўлинмасига (ташкилотга) (кейинги ўринларда қуйи орган деб аталади) юборилиши ёки тегишлилиги бўйича бошқа давлат органига юборилиши мумкин.

Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига келиб тушган мурожаатлар беш кун муддатдан кечиктирмай давлат органининг раҳбари ёки таркибий бўлинманинг раҳбари томонидан имзоланган хат билан тегишли органларга юборилади, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

Мурожаатни кўриб чиқиши учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда улар беш кун муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан мурожаат қилувчиларга қайтарилади.

Қуйи орган томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган мурожаатлар унга келиб тушган кунидан бошлаб беш кун муддатдан кечиктирмай хат билан ёки давлат органининг раҳбари ёки таркибий бўлинманинг раҳбари томонидан имзоланган топшириқ билан бирга юборилиши, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар берилиши керак.

Агар мурожаатда бир нечта таркибий бўлинмага тегишли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижро этувчилар этиб белгиланади. Ижро этувчилар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган таркибий бўлинма бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда мурожаат кўриб чиқилишини таъминлайди”.¹

Бизнинг юқорида келтирган қоидамиз қонун ҳужжатларида намунавий тарзда белгиланган. Бу қоидалардан давлат органлари тавсиявий тазрда фойдаланишлари белгиланган. Чунки турли хил соҳа мавжуд бўлганлиги боис давлат органлари ҳам ўзларининг мазкур муносабатга оид қоидаларини ўзлари бажарадиган функциядан келиб чиқиб амалга оширадилар. Жумладан, прокуратура органларига тўхталиб ўтсак. Демак, “Прокуратура органларига келиб тушган мурожаатлар иш юритувга қабул қилиниши, қуйи турувчи прокуратура органларига ёки бошқа идораларга юборилиши ёхуд аввалги мурожаатга қўшиб, кўриб чиқилиши мумкин.

Мурожаатлар, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган прокуратура органига юборилган бўлса, ёки юқори турувчи прокуратура органи томонидан мурожаатни қуйи турувчи прокуратура органи кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ деб топилса, узоғи

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 13-сон, 154-модда //Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги 73-сон қарорига ИЛОВА Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида// Намунавий низом.

билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга юборилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади.

Агар бир таркибий тармоққа келиб тушган мурожаат бошқа таркибий тармоққа тааллуқли бўлса, ушбу мурожаат тегишли тармоқ бошлиғининг билдиргиси ва прокуратура раъбариятининг розилиги билан бошқа тармоққа ўтказилади.

Мурожаатларни кўриб чиқиши учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг, шу жумладан прокурорларнинг ўзига жўнатиш ман этилади.

Тергов ва суриштирув чоғида келиб тушган ариза, шикоятлар ҳамда улар бўйича қабул қилинган қарорлар жиноят ишларига қўшилади.

Айблов хулосаси тасдиқлангунга қадар берилган ариза ва шикоятларда келтирилган вазиятни тўлиқ текширмай, жиноят ишларини судларга юборишга йўл қўйилмайди.

Фуқаронинг фамилияси, манзили тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди. Бундай ҳолларда ариза ёки шикоятнинг аноним эканлиги тўғрисида маълумотнома тузилиб, у бўйича иш юритиш тугатилади.

Агар аноним мурожаатларда тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақида маълумотлар бўлса, уларнинг ишончлилигини тезкор йўллар билан аниқлаш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

Фуқароларнинг ғайриқонуний хусусиятдаги мурожаатлари юзасидан қонунда белгиланган чоралар кўрилади”.¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабрдаги 37-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома.

Демак, юқоридагилардан шундат хулоса чиқарсак бўладики, давлат органлари ҳам намунавий қоидаларга амал қилган ҳолда ўзларининг иш ҳолатидан келиб чиқиб, ўзларининг ҳужжатларини чиқаришади. Мазкур чиқарилган ҳужжатлар Конституциямизга ҳамда ўзидан юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжатлар билан зид бўлмаслиги лозим.

Мурожаатларни кўриб чиқиши учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг, шу жумладан прокурорларнинг ўзига жўнатиш ман этилади. Мазкур норманинг асосий сабаби шундаки, мансабдор шахслар ўзларининг устидан берилган шикоятни ўзлари кўришлари субъективликка олиб келиши мумкин.

2.2. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига қўйилган талаблар ва уларни кўриб чиқувчи бошқа ташкилотларнинг иштироки.

Жисмоний ва юридик шахсларининг мурожаатларига қўйиладиган талаблар конун ҳужжатларида батафсил келтирилган. Мурожаатларга талабларнинг мавжуд бўлиши нафақат мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи, балки жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тез, осон сифатли кўриб чиқилишини таъминлайди. Чунончи, “Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс раҳбарининг ёхуд ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак. Электрон мурожаат қонунда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо (электрон

рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаатлар аноним мурожаатлар деб ҳисобланади.

Мурожаат этувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади”.¹

Биз юқоридагилардан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига талаблар белгиланган. Мазкур талабларнинг тўлиқ бўлиши мурожаатларни кўриб чиқиш учун асос бўлади. Бироқ мазкур мурожаатларга қўйилган талабларнинг мавжуд эмаслиги, мурожаатни кўрмасдан рад этилишига сабаб бўлиши мумкин. Мазкур қонун ҳужжатларида белгиланган талабларнинг мавжудлиги мурожаатни беришга асос ҳисобланади. Хусусан, “Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилади.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатни мустақил равишда беришга, шунингдек бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёхуд мурожаатни почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли. Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, мурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Мурожаатга у бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг кўчирма нусхалари, шунингдек уни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин, мазкур ҳужжатлар қайтарилмайди, мурожаат этувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳоллар бундан мустасно. Мурожаат тааллуқлилиги бўйича бошқа давлат

¹ “Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги қонунга“ Шарҳ. А.Х. Саидов. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази Ҳуқуқ муаммоларини ўрганиш маркази. Тошкент-2015.

органига юборилганда, унга кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар илова қилиниши керак”.¹

Демак, мурожаат бўлиши учун ҳамда мазкур мурожаат давлат органларига берилиши учун қонунчиликда бир қанча талаблар мавжуд. Биз бу ҳақида юқорида ҳам таъкидлаб ўтдик. Мазкур талабларнинг мавжуд бўлиши мурожаатни беришга ҳамда кўриб чиқишга асос бўлади. Белгиланган талабларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ мавжуд эмаслиги ушбу мурожаатни кўрмасдан қолдирилишига ёки мурожаат этувчига қайтарилишига сабаб бўлиши мумкин.

Биз юқорида асосан фақат давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишига тўхталдик. Битирув малакавий ишимизнинг режасидан келиб чиққан ҳолда ўз фикрларимизни давлат органи эмас, балки давлатнинг бошқа тузилмаларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши билан давом эттирсак. Жумладан, “Жисмоний шахснинг мурожаатида унинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс раҳбарининг ёхуд ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда. //Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни//. 2014 йил 3 декабрь,ЎРҚ-378-сон.16-модда.

Электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак. Электрон мурожаат қонунда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаатлар аноним мурожаатлар деб ҳисобланади. Мурожаат этувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг барча ёзма мурожаатлари келиб тушгандан кейин раҳбар ижрога юборган ходим томонидан ижро қилинади. Мурожаатнинг ўз вақтида ижро қилиниши мурожаатларни кўриб чиқувчи таркибий бўлим томонидан назорат қилиб борилади. Агарда топшириқ банкнинг бир неча таркибий тузилмаларига ижро учун юборилган бўлса, топшириқда номи биринчи кўрсатилган таркибий тузилма раҳбари (ходими) маълумотларни умумлаштириш ва топшириқ ижросини якунлаш бўйича масул ҳисобланади. (раҳбар топшириғида бошқа тартиб кўзда тутилиши, бундан мустасно).

Банкка келиб тушган мурожаатлар банк раҳбарияти томонидан ёки мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича зиммасига мажбурият юклатилган раҳбар ходим томонидан кўриб чиқилади.

Электрон мурожаатлар тушган кунида қоғозга босиб чиқарилиши, иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда эса - навбатдаги иш кунида қоғозга босиб чиқарилиши керак.

Ёзма ва электрон (қоғозга босиб чиқарилган) мурожаатлар мурожаатларни рўйхатга олиш китобига тегишли ёзувларни киритиш, ушбу

Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш (назорат) карточкасини тўлдириш ва мурожаатнинг биринчи саҳифаси қуйи ўнг қисмида рўйхатга олиш штампини қўйиш йўли билан мурожаатларни кўриб чиқувчи таркибий бўлимда рўйхатга олинади”¹.

Демак, давлат органи бўлмаган бошқа давлат тузилмаларида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ўзларининг ҳужжатлари мавжуд. Мазкур ҳужжат бошқа юқори турувчи конун ҳужжатлари замирида яратилади ҳамда мазкур ҳужжатларга зид бўлмаслиги лозим ҳисобланди. Юқоридаги жумлалардан яна шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, давлат муассаларида мурожаатлар билан ишлаш бўйича алоҳида тузилма мавжуд. Мазкур тузилма фуқаролардан ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва шу каби бошқа вазифаларни амалга оширади. Мурожаатларга тегишли давлат муассасининг масул ходимлари томонидан кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

¹ “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг 2015 йил 30 апрелдаги 301-сонли қарорига 1-илова “Ипотека-банк” АТИБ тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ.

2.3 Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари ҳамда хорижий тажриба

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, “Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, худди шунингдек тухмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади. Била туриб ёлғон маълумотлар баён этилган мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органи томонидан қилинган ҳаражатлар жисмоний ёки юридик шахсдан суднинг қарорига кўра ундириб олиниши мумкин”.¹

Демак, юқоридаги нормадан шундай хулоса чиқарсак бўладики, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш тегишли тартибга жавобгарликка торлишга асос бўлади. Шунингдек, тухмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлиши қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилган. Биз бу ҳолатларга янада батафсил маълумотларга эга бўлишимиз учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўхталишимиз лозим. Жумладан, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик —

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2014 йил 3 декабрь, ЎРҚ-378-сон. 26,27-моддалар.

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”.¹

Демак, юқоридаги моддадан шундай хулоса чиқарсак бўладики, агар мурожаатни қабул қилувчи органнинг мансабдор шахси жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этса, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузса, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилса, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаса ёки шу каби бошқа ҳолатларни амалга оширса ёки тегишли ҳаракатларни амалга оширмаса унга нисбатан маъмурий жавобгарлик иши қўзғатилиб, модданинг санкцияси доирасида жазо белгиланади. Биз кундалик яшаб турган ҳаётимизда мазкур норманинг анча кўп ишлашини гувоҳи бўламиз. Бизнингча бу ёмон ҳолатдир.

Бундан ташқари жисмоний ва юридик шахслар мурожаатининг бузилиши жиноий жавобгарликка тортилишга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Жумладан, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик ёки жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.(2015-йил 1-мартгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.: Адолат, 2015, -496 б. 43-модда.

розилигисиз ошкор этиш, худди шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларига ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок билан жазоланади.

Жисмоний шахсни, унинг вақилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вақилини ва юридик шахс вақилининг оила аъзоларини улар давлат органига, давлат муассасасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъкиб этиш, — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.¹

Демак, юқоридаги моддага кўра, мурожаат этилаётган органнинг мансабдор шахси жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад эта, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузса, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилса, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаса ёки жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.(2015-йил 1-мартгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.: Адолат, 2015, 144-модда.

шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этса, худди шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузса ва бу бузиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, уларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган. Мазкур модданинг амалдаги Маъмурий ҳуқуқбузарилик тўғрисида” ги кодексда белгиланган моддадан асосий факри шундаки, жиноий жавобгарликка тортилиши учун шахс ўз ҳарактлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказиши лозим ҳисобланди.

“Асоссиз ҳолда мурожаатларни кўриб чиқишдан бош тортиш берилган меъёрнинг контекстида ваколатли орган, мансабдор шахс, ёки ҳалқ вакилларининг мурожатни кўндирмаслик, кўриб чиқишга қабул қилмаслик ҳақидаги ёзма ёки оғзаки кўринишдаги қарори ва табиийки, бевосита ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи, ёки бевосита мурожатига таалуқли бўлган ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш, ёки уларни кулга киритиш ҳуқуқи ва талабини қондирмасликда намоён бўлади. Шу билан бирга мурожаатларни кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш унинг ноқонунийлигини мурожаатларни кўриб чиқиш ҳақидаги меърий ҳужжатларга зид эканини билдиради.

Мурожаатларни кўриб чиқишни асоссиз рад этиш ҳаракат (рад этиш ҳақидаги резолюция ёки ариза) ёки ҳаракатсизликда (субъектнинг уз Конституциятитуциявий мажбуриятини бажармаслиги, фуқақоларнинг мўрожаатларини кўриб чиқиш ҳуқуқларини поймол қилиш) намоён бўлади.

Узрли сабабларсиз мурожаатларни кўриб чиқишни муддатини бузишга асоссиз ҳолда мурожаатларни кўриб чиқишни Қонун билан

белгиланган муддатини бузиш, тегишли муассасага мурожаатларни кўриб чиқишни мақсадида уз муддатида юбормаслик киради.

Узли сабаблар сифатида факат объектив жиҳатдан ҳолатлар ва субъектив ҳолатлар (масалан, мурожаатларни кўриб чиқишга масъул шахснинг бетоблиги) намоён бўлиши мумкин.

Қонунга хилоф қарорнинг қабул қилиниши – бу мурожаатдаги масаланинг амалдаги Қонунчилик меъёрларини бузган ҳолда ҳал қилинишидир.

Мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида аниқланган ҳар қандай фуқаронинг шахсий ҳаётига тегишли бўлган маълумотларни, фуқаронинг шундай мурожаат қилган ёки қилмаганидан қатъи назар, тарқатиш, фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш ҳисобланади.

ЖКнинг 144-моддаси 1-қисмида кўрсатилган фуқароларнинг мурожаатлари ҳақидаги қонунчиликни бузиш турлари очик ҳисобланади ва фуқароларнинг мурожаатлари ҳақидаги қонунчиликни бузиш ҳолларда ҳар бир конкрет ҳолатда, айбдор томонидан ҳуқуқий муносабатларни идора қилувчи меърий ҳужжатларнинг айнан қайсилари бузилганини аниқлаш лозим.

ЖКнинг 144-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят, жабирланувчи учун бирор зарар етиш-етмаслигидан қатъи назар, таъқиб қилинган дамдан бошлаб тугаланган ҳисобланади. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунни мансаб ваколатига эга бўлган шахс томонидан бузилиши ҳолатлари фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларига ёки уларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига жиддий зарар етказилганда унинг ҳаракатларини ЖК 106-моддалари бўйича баҳолаш зарур. ЖК нинг 144-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъектив томони айбнинг бевосита ёки билвосита кўринишида намоён бўлади. Шахс фуқароларнинг мурожаатлари ҳақидаги қонунчиликни

бузаётганини, ва бу ҳолат фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказишини билади ва шуни хоҳлайди (бевосита англаш) ёки шундай ҳолатларнинг рўй беришига йўл қўяди (билвосита англаш. ЖК нинг 144-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят факатгина бевосита англаш натижасида рўй беради. Айбдор фуқаронинг давлат органига ёки бошқа муассасаларга мурожаати муносабати билан, ёки мурожатни ташкил этувчи танқид учун ҳуқуқ ва қонуний мафааттларига зарар етказиш ёки таъкиб қилиш ҳаракатини амалга ошираётганини англайди ва шуни шуни хоҳлайди. Жиноятни квалификация қилиш учун фуқароларнинг мурожаати ҳақидаги қонунчиликни бузишни сабаби ва мақсади ахамиятсиздир.

ЖКнинг 144-моддаси 1-қисми буйича жиноятнинг субъекти 18 ёшга тўлган, соғлом жисмоний шахс, давлат муассасаларида ёки ўзини-ўзи бошқариш органларида маълум лавозим эгаси бўлиши, яъни, махсус субъект аломатларига эга бўлиши керак. ЖКнинг 144-моддаси 2-қисми бўйича эса факатгина мансабдор шахс субъект бўлиши мумкин”.¹

Биз юқорида асосан мансабдорлар шахсларнинг жавобгарлик чораларига тўхталиб ўтдик. Чунки асосан мазкур муносабатдаги қонун бузилишлари мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади. Бироқ биз масаланинг иккинчи томинини ҳам унутмаслигимиз лозим. Жумладан, мазкур муносабатларда факатгина мансабдор шахслар эмас, фуқаролар ҳам жавобгарликка тортилиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Жумладан, фуқаролар мурожаат этишлари натижасида бошқа бир шахснинг ҳуқуқига дахл қилмаслиги лозим, шунингдек тухмат, ҳақаротдан иборат мурожаат этиш ҳам таъқиқланади. Бундан ташқари ёлғон маълумот бериш ёки маълумот беришдан бош бортиш ҳам тегишли тартибга жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

¹ М.Х. Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарҳлар, –Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2012. -788 бет. Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.. Махсус қисм. 3-том.

Шунингдек, давлат органлари белгиланган муддатларда мурожаатларга жавоб қайтариши лозим ҳисобланди. Мазкур ҳолатнинг бузилиши тегишли тартибда жавобгарликка тортилишга асос бўлади. Жумладан, “Мурожаатлар белгиланган муддатларда, тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқилиб, қонуний ҳал қилиниши лозим.

Ҳар бир мурожаат бўйича текшириш услуби тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Бош прокуратуранинг таркибий тармоқлари бошлиқлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари, шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан устхат (резолюсия) қўйиш йўли билан белгиланади.

Мурожаатларни ҳал этиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини тафтиш қилиш ёки текшириш зарурати пайдо бўлганида улар қонунда белгиланган тартибга қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилади.

Агар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва тафтиш ўтказишга тегишли давлат органи томонидан рухсат берилмаса, тегишли ҳужжатлар асосида муаллифга бу ҳақда ёзма равишда маълум қилинади.

Мурожаатларнинг тўлиқ ва ҳолисона ҳал этилишини таъминлаш мақсадида зарур ҳолларда текширишларга тегишли мутахассислар ҳамда мурожаат муаллифлари ёки уларнинг қонуний вақиллари жалб этилиши мумкин.

Жойлардаги прокуратураларда узоқ вақт давомида ўз ечимини топмай келаётган, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг жиддий камситилиши, қонунларни қўпол тарзда бузилиши ҳақидаги мурожаатлар, қоида тариқасида, жойларга чиқиб, тегишли мутахассислар ва мурожаат муаллифлари иштирокида текширилади.

Мурожаатларда баён қилинган вазларни текшириш жараёнида қўшимча маълумотлар, тегишли меъёрий ҳужжатлар, ҳаракати устидан

шикоят қилинаётган мансабдор ёки бошқа шахсларнинг тушунтиришлари талаб қилиб олинади.

Текшириш натижасига кўра маълумотнома тузилиб, мурожаат этган шахснинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини тўла ёки қисман тиклаш чоралари кўрилса – қаноатлантириш, мурожаатда баён қилинган вазлар тасдиқланмаса – рад этиш ёки ҳуқуқий масалалар бўйича қонун талабларини тушунтириш тўғрисида тўхтамга келинади.

Суд қарорлари устидан берилган мурожаатлар, қоида тариқасида, жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари чақирилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли соҳавий буйруқларида белгиланган тартибда текширилади ва жавоб берилади.

Текшириш якуни бўйича мурожаат этган шахс ёки унинг қонуний вақилининг илтимосномасига биноан текшириш ҳужжатлари билан танишиб чиқиш имконияти таъминланади. Ҳужжатлар билан таништирган прокуратура ходими томонидан бу ҳақда маълумотнома тузилиб, назорат ишига қўшиб қўйилади.

Мурожаатлар, агар уларда баён қилинган масалалар қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва муаллифга ёзма шаклда жавоб берилган бўлса, ҳал қилинган деб ҳисобланади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича бир тўхтамга келиш ҳамда уларга жавоб хати юбориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Бош прокурор ўринбосарлари, Бош прокуратуранинг таркибий тармоқ бошлиқлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари, шунингдек мазкур прокуратураларнинг таркибий тармоқ бошлиқлари, туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилади”.¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабрдаги 37-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома.

Эндиликда биз фикрларимизни хорижий майдонда мазкур соҳада амалга оширилган ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар ва муносабатларга тўхталиб ўтсак. Жумладан, “Германия Федератив Республикасининг 1949 йил 23 майда қабул қилинган Асосий қонуни ҳисобланган Конституциясида мазкур муносабатни тартибга солувчи бир қанча нормалар мавжуд. Масалан, 5-моддасида “Ҳар ким ўз фикрини оғзаки ёзма равишда ва тасвирлар воситасида ифодалаш ҳамда тарқатиш, ҳамма учун қулай бўлган манбалардан билимларини бемалол олиш ҳуқуқига эгадир” деб таъкидланган. Шунингдек, мазкур Асосий қонуннинг 10-моддасида мурожаатларнинг, ёзишмаларнинг махфий сақланиши, бу ҳуқуқ бузилмаслиги ҳақида таъкидланган. Мазкур Асосий қонуннинг 12-моддасига кўра, барча немислар касб танлаб давлат ташкилотига мурожаат этганда, мазкур мурожаати бўйича барча маълумотлар очик берилиши ҳақида фикрлар мужассамлашган. Фуқароларнинг мурожаатига бевосита Асосий қонуннинг 17-моддаси талукли ҳисобланади. У қуйидагича: “Ҳар ким якка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда ваколатли муассаларга ёки халқ вақиллари идораларига ёзма равишда илтимос ёки шикоят билан мурожаат ҳуқуқига эгадирлар”. Мазкур модда нафақат немис халқи, балки Германияда турган барча фуқаролар учун тадбиқ этилади. Мазкур модданинг мазмунида мурожаат қилишнинг икки хил усули мавжуд эканлиги ётади. Яъни илтимос ҳамда шикоят. Шунингдек, мурожаат этишнинг ҳам асосан бир хил шакли, яъни ёзма равишда мурожаат этишни кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Асосий қонунда немис халқининг судга мурожаат этиш ҳуқуқи ҳам келтирилган. Жумладан, Асосий қонуннинг 19-моддасида агар бирон бир шахснинг ҳуқуқлари оммавий ҳокимият томонидан бузилса, унга судга мурожаат этиш имконияти берилади. Шахснинг ишини бирон бир судга кўриш белгиланмаган бўлса, бу ишни кўришга умумий судлар ваколатли ҳисобланади.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида ҳар бир инсон унга Конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган”.¹

Биз халқаро ҳуқуққа мурожаат этган ҳолда ўз фикрламининг давом эттирадиган бўлсак, қўшимча маълумот сифатида яна бир қанча ҳолатларни келтиришимиз ҳам мумкин. Давлатнинг ўзи алоҳида тузилма ҳисобланади. Давлатларнинг бошқа давлатларга ўзаро мурожаати халқаро ҳуқуқда шартномалар, конвенциялар, протоколлар ва яна шу каби бошқа бир қанча ҳужжатлар билан тартибга солинади. Жумладан, “Низолашаётган томонлар фуқаро аҳолига ёки 1-бандда кўрсатилган кўмак жамиятларига мурожаат этиб, улардан ярадорлар, беморлар ва кема ҳалокатига учраган шахсларни йиғиб олишни ва парваришлашни, ўлганларни қидиришни ва улар топилган жой тўғрисида хабар беришни илтимос қилиши мумкин; улар ушбу мурожаатга жавобан иш бошлаганларни тегишли ҳимоя ва зарур кўмак билан таъминлайди. Агар душман томон тегишли ҳудуд устидан назорат ўрнатган ёки қайта назорат ўрнатган бўлса, у ҳолда мазкур томон ҳам тегишли эҳтиёж мавжуд бўлиб турган вақт давомида уларни худди шундай ҳимоя ва зарур кўмак билан таъминлайди. Агар, қандайдир сабабларга кўра ярадорлар ва беморлар ёхуд тиббий ва диний хизмат ходимларига нисбатан муайян Ҳомий Давлат ёки биринчи хатбошида кўзда тутилган ташкилотнинг фаолияти қўлланилмаётган ёхуд қўлланилиши тўхтатиб қўйилган бўлса, ҳимоядаги шахсларни ўз ҳукми остида сақлаётган Давлат низолашаётган томонлар мазкур Конвенция асосида тайинлаган Ҳомий Давлат бажариши лозим бўлган вазифаларни ўз зиммасига олишини сўраб, бетараф Давлатга ёки шундай ташкилотга илтимос билан мурожаат қилиши зарур.

Агар, ҳомийликни юқорида кўрсатилган тарзда амалга оширишнинг иложи бўлмаса, ҳимоядаги шахсларни ўз ҳукми остида сақлаётган Давлат

¹ <https://uz.m.google.org/thelawaboutapplyintheworld>.

муайян инсонпарварлик ташкилотига, масалан, Халқаро Қизил Хоч Қўмитасига илтимос билан мурожаат қилиши ёхуд ушбу модда қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, бундай ташкилотнинг мазкур Конвенцияга мувофиқ Ҳомий Давлатлар томонидан бажариладиган инсонпарварлик вазифаларини адо этишни ўз зиммасига олиши борасидаги таклифларини қабул қилиши керак”¹.

Демак, халқаро ҳуқуқда ҳам мазкур муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ҳар бир давлатда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳуқуқий асоси мавжуд. Чунки жисмоний ва юридик шахслар давлатнинг асл моҳиятини белгилаб бериб, давлатнинг абадийлиги рамзи ҳисобланади.

¹ “Ҳаракатдаги қуролли кучлардаги ярадорлар ва беморларнинг қисматларини енгилаштириш тўғрисида” 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева Конвенцияси.10-модда.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Биз юқорида келтирган барча қонун ҳужжатлари, жумлалар, фикрлардан шундай якуний хулоса қилишимиз мумкинки, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари уларнинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланди. Мурожаат қилиш ҳар бир шахснинг узвий ҳуқуқи ҳисобланиб, тизимлаштирилган ҳуқуқлар турининг сиёсий ҳуқуқлар турига мансубдир. Мазкур мурожаат этиш ҳуқуқи Конституциямизда яқдил белгилаб қўйилган. Жумладан, ҳар бир шахс давлат органлари, муассасаларига ўзларининг ариза, шикоят, таклифлари билан мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар. Мурожаат давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши лозим. Шунингдек, Конституциямизга асосан ҳар бир шахс ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши махсус қонунда ва бошқа кўп ҳуқуқий меъёрларда ўз ифодасини топган. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат органларига мурожаат қилиш конституциявий ҳуқуқнинг таркиби унинг субъектларининг қуйидаги ҳуқуқий ваколатларини қамраб олади. Жумладан,

Биринчидан, давлат органларини танқидий таҳлил этиш ҳуқуқи;

Иккинчидан, ўзларининг, шунингдек бошқа шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан мурожаат этиш ҳуқуқи;

Учинчидан, давлат органлари ва бошқа мансабдор шахсларининг фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар бериш ҳуқуқи;

Тўртинчидан, давлат органларининг аниқ ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга оширишга ёрдам беришларини талаб этиш ҳуқуқи;

Бешинчидан, давлат органлари ва улар мансабор шахсларининг ўзларига маълум бўлган қонунни бузиш ҳолатлари тўғрисида хабар бериш ҳуқуқи ва бошқалар.

Миллий қонунчилигимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига бағишланган жуда кўплаб қонун ҳужжатлари мавжуд. Жумладан, бош Қомусимиз – Конституциямиз мазкур муносабатларнинг пойдевори ҳисобланса, 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги қонун Конституциядан кейинги ўриндаги асосий манбаа ҳисобланади. Мазкур қонунда мурожаатлар тушунчаси, мурожаатлар бериш кафолатлари, мурожаатларнинг турлари ҳамда шакллари, мурожаатга қўйилган талаблар, мурожаатни бериш муддатлари ва тартиби, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда муддати, низоларни ҳал этиш, қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик чоралари ва шу каби яна бир қанча асосий тушунчалар жой олган. Мурожаатлар турлича бўлиб, улар ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин.

Аризалар орқали фуқаролар ўзларининг турли ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни сўрайди. Масалан: ишга кириш, ишдан бўшаш, ўқишга кириш, таътил олиш, таъминот олиш ва ҳоказолар.

Таклифлар орқали фуқаролар кўпроқ ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўллари, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ўқув жараёнини такомиллаштириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, қоидаларни такомиллаштириш, атроф-муҳитни соғломлаштириш, моддий ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ўз фикр мулоҳазаларини билдиради.

Шикоятлар орқали бузилган ҳуқуқларини тиклаш, айбдорларга чора кўриш, зарарни қоплаш талаб этилади. Аризани асосини илтимос ташкил этса, шикоятнинг асосини талаб ташкил этади. Шикоятлар орқали содир этилган ёки содир этилаётган, этилиши мумкин бўлгани қонунсиз ҳаракатлар тўғрисида хабарлар берилиши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатлари ёзма ёки оғзаки бўлиши, улар алоқа воситалари орқали, оммавий ахборот воситалари орқали тақдим қилиниши ёки шахсан топширилиши мумкин. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда энг муҳим масала мурожаат қандай ҳал қилинишидан қатъий назар, вақтида асосли, ишончли жавоб олиш ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари давлат ва жамият муҳофазасидадир. Мазкур мурожаатлар орқали фуқаролар ўзларинг хоҳиш-иродаларини билдирадилар. Жамиятдаги ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданият ҳам фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар билан ўлчанади.

Биз малакавий битирув ишимизни якунлар эканмиз, юқорида келтирилган барча фикрлардан, қонун ҳужжатларидан, илмий адабиётлардан фойдаланилган жумлалардан, шунингдек халқаро майдонда амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, мазкур мавзу юзасидан ушбу **тавсия**ларни бериш мақсадга мувофиқ бўларди, деб ҳисобладик.

1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тартибга солувчи энг асосий қонун бу “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонундир. Биз изланишларимиз давомида мазкур қонунга бир қанча ўзгартириш, тузатиш ҳамда қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўларди, деб ҳисобладик. Жумладан,

а) Мазкур қонуннинг 3-моддаси мурожаат этиш ҳуқуқига бағишланган бўлиб, унга кўра жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга деб таъкидланган. Бизнинг фикримизча, мазкур жумлага қўшимча киритиш лозим. Яъни “Жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига ва давлатнинг бошқа муассаларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга”.

б) Бизнинг фикримизча, мурожаатга қўйиладиган талаблар ҳам бироз юмшатилиши керак. Хусусан, мазкур қонуннинг 6-моддаси мурожаатга

қўйиладиган талабларга бағишланган. Бу моддада бир қанча талаблар берилган бўлиб, улардан биронтасининг тўлиқ бўлмаганлиги, мурожаатни аноним деб топиб, уни қайтарилишига сабаб бўлади. Амалиётдан бизга маълумки, мурожаат давлат органига келиб тушса, мурожаат этган шахснинг отасининг исми тушиб қолган тақдирда ҳам бу мурожаат аноним деб топилиб қайтарилиш ҳолатлари мавжуд. Бу эса қайсидир маънода фуқароларга жуда қийинчилик тўғдиради.

в) Мазкур қонуннинг 19-моддаси мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари деб номланиб, ариза ва шикоятларнинг охириги кўриб чиқиш муддати белгиланган, бироқ таклифнинг охириги кўриб чиқиш муддати белгиланмаган. Бизнингча, бу ҳолат келиб тушган таклифларга сусткашлик билан қарашга сабаб бўлиши мумкин. Ваҳоланки, мурожаатлар тури ичидан таклиф фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг ошиши натижасида берилади, шунингдек таклифлар орқали халқнинг қонунчилик жараёнидан қанчалик хабардор эканлиги ўлчанади.

1. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга нисбатан белгиланган жавобгарлик чоралари ҳамда жазо миқдори биров оширилиши лозим. Бизга маълумки, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддаси жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга бағишланган. Мазкур модданинг санкцияси мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ҳозирги кунда мазкур модда жуда жадаллик билан ишламоқда. Бу эса ҳунук ҳолатдир. Санкция миқдорининг оширилиши ушбу соҳада йўл қўйилаётган сусткашликларни биров олдини олган бўларди, деб ўйлаймиз.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонуннинг 19-модда Конституциявий судга масалаларни киритиш ҳуқуқига бағишланган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, Олий Мажлис Сенатининг Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Олий Мажлис Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси ва Бош прокурори Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга. Масала Конституциявий суднинг камида уч судьяси ташаббуси билан ҳам киритилиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, фуқароларнинг ҳам Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқининг мавжуд бўлиши фуқароларнинг ҳуқуқий савиясининг ошиши, жамиятдаги ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгнинг юксалишига хизмат қилган бўларди. Шу билан биргаликда фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларидаги иштирокининг ҳам кўлами кўпайган бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.
2. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизатсия жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.
3. Каримов. И.А. Ватанимизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. -Т.17.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009.
4. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият”. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон – буюк келажак сари. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1998, 168-бет.
6. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т.14.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006.
7. Каримов И.А. “Халқ биздан амалий ишларни кутмоқда”.1998 йил 10 май. Том 7. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз
8. Каримов. И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007.
9. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иҷтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Т., “Ўзбекистон”, 1995.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т., “Ўзбекистон”, 1993.

11. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизатсия қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2015. – 76 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.(2015 йил 1 мартгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.: Адолат, 2015.

3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. (2015 йил 1 мартгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.: Адолат, 2015.

4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида. 1995 йил 30 август, 108-I-сон.

5. Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Прокуратура тўғрисида (янги таҳрири). 2001 йил 29 август, 257-II-сон.

6. “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2014 йил 3 декабрь, ЎРҚ-378-сон.

7. Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида. 2014 йил 5 май. ЎРҚ-365-сон.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги 73-сон қарорига Илова Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида Намунавий низом.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабрдаги 37-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси

прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома.

10. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувининг 2015 йил 30 апрелдаги 301-сонли қарорига 1-илова “Ипотека-банк” АТИБ тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом.

11. “Ҳаракатдаги қуролли кучлардаги ярадорлар ва беморларнинг қисматларини енгиллаштириш тўғрисида” 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева Конвенцияси.

III. Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. // юридик фанлари доктори, профессор М.Х.Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. Дарслик. –Тошкент: ТДЮИ, 2012

2. "Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг ички ишлар органлари томонидан ижро этилиши: Ўқув қўлланма Тошкент-2015.

3. Ички ишлар органларида хабарларни қабул қилиш, қайд этиш ва ҳал этиш: Ўқув-амалий қўлланма. Т-2015,185 б.

4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик. Ўқув қўлланма, ИИВ Академияси наширёти, Т-2015.

5. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш - давр талаби. Ўқув қўлланма, ИИВ Академияси наширёти, Т-2015.

6. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳуқуқий кафолатлари. Ўқув қўлланма, ИИВ Академияси наширёти, Т-2016.

7. Фуқаролар мурожатларини кўриб чиқиш-инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолатлари. Ўқув қўлланма, ИИВ Академiasi нашриёти, Т-2014.

8. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конститутсыйавий ҳуқуқи. // юридик фанлари доктори, профессор М.Х.Рустамбоевнинг умумий тахрири остида. Дарслик. –Тошкент: ТДЮИ, 2007.

9. “Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги қонунга Шарҳ. А.Х. Саидов. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази Ҳуқуқ муаммоларини ўрганиш маркази. Тошкент-2015.

10. М.Х. Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарҳлар, –Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2012. -788 бет. Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ. Махсус қисм. 3-том.

11. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. Учебник 2-е изд. Перераб. –М. Юристь, 2000

III. Интернет сайтлари :

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.gov.uz>
3. <http://www.norma.uz>
4. <http://www.google.com>
5. <http://www.uza.uz>
6. <http://www.apply.com>
7. <http://www.state.com>